

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АБДУРИЗАЕВ АБДУМАЛИК АБДУГАФФАРОВИЧ

**АЁЛЛАРДА СИЙДИК ТУТА ОЛМАСЛИК
(ТАРҚАЛИШИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ, ДИАГНОСТИКАСИ
ВА ДАВОЛАШ)**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Абдуризаев Абдумалик Абдугаффарович Аёлларда сийдик тута олмаслик (тарқалиши, хавф омиллари, диагностикаси ва даволаш)	3
Абдуризаев Абдумалик Абдугаффарович Недержание мочи у женщин (распространенность, факторы риска, диагностика и лечение)	27
Abdurizaev Abdumalik Abdugaffarovich Female urinary incontinence (prevalence, risk factors, diagnosis and treatment)	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АБДУРИЗАЕВ АБДУМАЛИК АБДУГАФФАРОВИЧ

**АЁЛЛАРДА СИЙДИК ТУТА ОЛМАСЛИК
(ТАРҚАЛИШИ, ХАВФ ОМИЛЛАРИ, ДИАГНОСТИКАСИ
ВА ДАВОЛАШ)**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.2.DSc/Tib169 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Гайбуллаев Асилбек Асадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Касьян Геворг Рудикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акилов Фарход Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедов Рустам Носирович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Украина Тиббиёт фанлари миллий академиясининг «Урология институти» Давлат муассасаси

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «сийдик тута олмасликнинг (СТО) популяциялардаги тадқиқотларда тарқалиши 9,9% дан 36,1% гача ташкил қилади, аёлларда эркакларга нисбатан кўп учрайди¹. Сийдик тута олмаслик беморларнинг ҳаёт сифатини тушириб юборади, уларнинг ижтимоий дезадаптациясига сабаб бўлади ва руҳий-эмоционал дискомфорт чақиради. Беморлар ўз аҳволини баҳолашида юқори даражадаги субъективлик мавжудлиги касаллик белгиларини балларни жамлаган ҳолда шкала бўйича баҳолаш зарурлигини белгилайди. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, СТО ни даволашда энг кўп қўлланадиган «М-холинолитиклар медикаментоз даволашдаги биринчи қатор препаратлар ҳисобланади, лекин уларни қўллаганда ножўя таъсирлари кўп учрайди ва даволашни тўхтатишга тўғри келади. Бундан ташқари, касалликнинг айрим турларида анъанавий медикаментоз даволаш ёрдам бермайди»². Стресс туфайли СТО ни хирургик коррекциясининг мавжуд бўлган усулларида ҳозирги кунда миниинвазив амалиётларга ён босилади, уларнинг мослиги эса коррекция усулининг иқтисодий жиҳатдан тўғри келишига боғлиқ.

Дунё амалиётида СТО дан азият чеккан аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, касалликнинг этиологик омилини аниқлаш ҳамда дунёнинг турли давлатлардаги аҳолининг маданий, иқтисодий ва ижтимоий муҳити хусусиятларига боғлиқ равишда касалликнинг тарқалиши ва бошқа эпидемиологик кўрсаткичларни таҳлил қилиш. Аниқланган хавф омиллари фониди СТО белгилари диагностикаси ва ривожланиш профилактикасига эрта ёндашувларни такомиллаштириш мақсадида ҳозирги кунда касаллик диагностикаси ва белгилари ифодаланганлигини баҳолашнинг турли инструментлари адаптацияси ва мақсадга мувофиқлигининг махсус дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек медикаментоз даволашнинг самарали ва хавфсиз тартибларини оптималлаштириш ҳамда СТО хирургик коррекциясининг камшикаст ва ҳаммабоп усуллари танлашга ёндашишни унификациялаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, ушбу илмий-тадқиқот иши СТО дан азият чекаётган аёллар диагностикасини оптималлаштириш, консерватив ва хирургик даволаш усуллари такомиллаштириш йўли билан кўрсатилаётган урологик ёрдам сифатини оширишга бағишланган.

Ҳозирги кунда юртимизда тиббий хизмат сифатини яхшилаш соғлиқни сақлаш тизими ва тиббий хизмат кўрсатишдаги ислохотларнинг асосий звеноларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу муаммонинг ҳал қилиниши «аҳоли ўртасида касалланиш даражаси ва ўлим кўрсаткичини камайтириш»га

¹ World Health Organization. Enuresis: fact sheet no. 23. World Health Organization website. 2016. www.who.int/iris/handle/1023/11562

² Blaganje M, Šćepanović D, Žgur L, Verdenik I, Pajk F, Lukanović A. Non-ablative Er:YAG laser therapy effect on stress urinary incontinence related to quality of life and sexual function: A randomized controlled trial. // Eur J Obstet Gynecol Reprod Biol. 2018 Mar 22;224:153-158.

қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ³. Бу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, СТО дан азият чекаётган аёллар диагностикасини оптималлаштириш, консерватив ва хирургик даволаш усулларини такомиллаштириш йўли билан кўрсатилаётган урологик ёрдам сифатини ошириш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида «ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Аёлларда сийдик тута олмасликнинг тарқалиши ва ривожланиши хавф омилларини ўрганиш, унинг диагностикаси ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари йирик ҳалқаро тиббиёт марказларида олиб борилмоқда, жумладан: Adnan Menderes University (Turkey), Dongfang Hospital, Fuzhou (China), Departments of Population Health Sciences and Internal Medicine, University of Utah School of Medicine, Salt Lake City (USA), Bristol Urological Institute, Western General Hospital (UK), Nagoya University Graduate School of Medicine (Japan), Department of Gynecology, University Medical Centre Ljubljana (Slovenia), Faculty of Medicine, Department of Urology, University Hospital, Ostrava (Czech

³ ЎзР Президентининг 07.02.2017й.даги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

⁴ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Williams G, Browning A, Petros P. The integral theory and its Tethered Vagina Syndrome revisited: vaginal scarring may cause massive urinary incontinence. // BJU Int. 2018 Mar 31. doi: 10.1111/bju.14218; Mousa A, Ming J, Lightfoot M, Kirsch A, Farhat W. Utility of magnetic resonance urography in pediatric urinary incontinence: Radiological considerations. // Can Urol Assoc J. 2018 Mar 19. doi: 10.5489/cuaj.4936; Avis NE, Colvin A, Bromberger JT, Hess R. Midlife Predictors of Health-Related Quality of Life in Older Women. // J Gerontol A Biol Sci Med Sci. 2018 Mar 27. doi: 10.1093/gerona/gly062; Nyström E, Askund I, Sjöström M, Stenlund H, Samuelsson E. Re: Treatment of stress urinary incontinence with a mobile app: factors associated with success. // Int Urogynecol J. 2018 Mar 28. doi: 10.1007/s00192-018-3632-4; Shoukry M, Elmissiry M, Hassouna M, Abdelmoteleb H. Outcome of rolled fortified vaginal flap operation on female patients with intrinsic sphincteric deficiency: 2-year follow-up. // Int Urogynecol J. 2018 Mar 28. doi: 10.1007/s00192-018-3621-7; Costa AALFD, Vasconcellos IM, Pacheco RL, Bella ZIKJD, Riera R. What do Cochrane systematic reviews say about non-surgical interventions for urinary incontinence in women? // Sao Paulo Med J. 2018 Jan-Feb;136(1):73-83; Homer T, Shen J, Vale L, McColl E, Tincello DG, Hilton P; INVESTIGATE-I studies group. Invasive urodynamic testing prior to surgical treatment for stress urinary incontinence in women: cost-effectiveness and value of information analyses in the context of a mixed methods feasibility study. // Pilot Feasibility Stud. 2018 Mar 23;4:67. doi: 10.1186/s40814-018-0255-y; Tilki D, Preisser F, Karakiewicz P, Shariat SF, Graefen M, Huland H, Chun FK, Pompe RS. The impact of time to catheter removal on short-, intermediate- and long-term urinary continence after radical prostatectomy. // World J Urol. 2018 Mar 26. doi: 10.1007/s00345-018-2274-y.

Republic), St Vincent's Hospital Clinical School, University of NSW, Sydney (Australia), Hospital for Sick Children, Toronto (Canada), Department of Public Health and Clinical Medicine, Umeå University (Sweden), Section of Voiding Dysfunction and Female Urology, Urology Department, Alexandria (Egypt), РТФА акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази (Россия) ва Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон).

Аёлларда сийдик тута олмасликни ўрганиш бўйича ўтказилган глобал илмий тадқиқотлар асосида бир қатор муҳим илмий натижалар олинган, шу жумладан: тадқиқот гуруҳларини шакллантириш, маълумотларни йиғиш усуллари, баҳолаш усуллари ва беморларнинг турлича жавоб беришидаги фарқланишларга боғлиқ равишда аёллардаги пешоб тута олмасликнинг тарқалиш кўрсаткичи турли давлатларда ўрганилган, Туркияда – 23,9%, Хитойда – 19%, Францияда - 26,8%, АҚШ да – 45% (Adnan Menderes University, Туркия; Dongfang Hospital, Fuzhou, Хитой; University of California, АҚШ; UPMC Universite, Франция); турли минтақаларда аёлларда сийдик тута олмаслик хавф омиллари ҳам, улар бўлганида касаллик ривожланиш эҳтимоллиги ҳам фарқ қилиши аниқланди (РТФА «Акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази» ДК, Россия); ICIQ-UI SF сўровномаси сийдик тута олмаслик диагностикаси учун аъло усул эканлиги аниқланиб, даволаш натижаларини баҳолаш учун тавсия этилган ва турли давлатлар маданияти хусусиятларига ва тилларига мослаштирилганлиги билан тасдиқланади (Bristol Urological Institute, Буюк Британия); сийдик тута олмаслик билан аёлларда қон томир даво воситаларининг медиатор таъсирга эга бўлган ва альфа 1-адренорецепторлар блокаторлари билан қўлланиши асослаб берилган (Western General Hospital, Edinburgh, UK); стресс туфайли сийдик тута олмасликда биринчи қатор хирургик амалиётлари, деб тан олинган сийдик чиқариш йўлининг ўрта учдан бир қисми остига синтетик қовузлокларнинг имплантацияси амалиётларининг юқори самарадорлиги исботланган (Morrison Hospital, Swansea, UK); сийдик тута олмаслик диагностикаси босқичлари ва профилактика усуллари аниқланган (Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси).

Ҳозирги кунда дунёда аёлларда сийдик тута олмасликнинг тарқалиши ва турли омилларнинг таъсирининг ҳудудий хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда; бу касалликни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда, шу жумладан: сийдик тута олмаслик хирургик коррекциясининг янги камшикаст, самарали ва ҳаммабоп усуллари ишлаб чиқиш; бу касаллик шошилиш шакллари консерватив даволашнинг янги дори воситалари ва усуллари ишлаб чиқиш; сийдик тута олмасликни аниқлаш учун ICIQ-UI SF сўровномасининг мослаштирилган турини ишлаб чиқиш; шаҳар ва қишлоқ ҳудудларда яшаётган аёлларда сийдик тута олмасликнинг клиник кечиш хусусиятлари, ижтимоий-маиший ҳолат, акушер-гинекологик ва тиббий анамнез ва хавф омилларини ўрганиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда аёлларда сийдик тута олмасликнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар хилма-хилдир. Аёлларда сийдик тута олмасликка бағишланган эпидемиологик тадқиқотларнинг мета-анализида аниқланишича «аёлларда бу касалликнинг тарқалиши умумий популяцияда 10 дан 50% гача оралиқда жойлашган» (de Andrade RL ⁵). Esparza AO ⁶ фикрига кўра, «кўрсаткичларнинг бунчалик фарқланиши авваламбор, ушбу муаммонинг кўпчилик жиҳатлари баҳс-мунозаралар мавзуси эканлигини тасдиқлайди ва бу йўналишда тадқиқотларни давом эттириш заруратини тақозо қилади». Ўрганилаётган аҳолининг маданий, иқтисодий ва ижтимоий муҳитини ҳисобга олган ҳолда касалликнинг тарқалиш ва бошқа эпидемиологик кўрсаткичларини ўрганишни давом эттириш долзарблигича қолмоқда. Truszczyńska-Baszak A ⁷ тадқиқотларида кўрсатилишича, «белгиланган ҳалқаро талаб ва қоидаларга асосан, бошқа тилдаги ҳар қандай сўровномани мақсадли равишда қўллаш учун уни таржима қилиш ва маҳаллий аҳолининг маданий ва ижтимоий-демографик хусусиятларига мослаштириш лозим». Бундан келиб чиқиб, Республикамизнинг соғлиқни сақлаш амалиётига ICIQ-UI SF сўровномасини татбиқ этиш учун уни маҳаллий аҳолининг тил, ижтимоий ва диний хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мослаштириш лозим.

Elmelund M ⁸ тадқиқотларида исботланишича, «сийдик тута олмасликнинг шошилишч турида қўллаш мумкин бўлган дори воситаларининг кўп бўлишига қарамай, ҳозирги кунда қўлланилаётган воситаларнинг ҳеч бири сийдик қоғи (детрузор) гиперактивлиги бўлган беморларда биринчи қатор давоси учун идеал бўла олмайди». Health Sciences University, Sisli Hamidiye Etfal Research and Training Hospital (Istanbul, Turkey) клиникасида Dogan O ⁹ бошчилигида ўтказилган тадқиқотларда кўрсатилишича, «сийдик чиқариш найи ўрта учдан бир қисмига синтетик слинг имплантацияси аёлларда стресс туфайли сийдик тута олмасликни оператив даволашнинг замонавий «олтин стандарти», деб тан олинишига қарамасдан, лентанинг қимматлиги бу усулнинг жиддий «камчилиги» бўлиб ҳисобланади ва амалиётни кенг миқёсда қўллаш имкониятини кескин чеклайди». Шу туфайли, сийдик тута олмасликни хирургик даволашнинг

⁵ de Andrade RL, Bø K, Antonio FI, Driusso P, Mateus-Vasconcelos ECL, Ramos S, Julio MP, Ferreira CHJ. An education program about pelvic floor muscles improved women's knowledge but not pelvic floor muscle function, urinary incontinence or sexual function: a randomised trial. // J Physiother. 2018 Mar 21. pii: S1836-9553(18)30017-1. doi: 10.1016/j.jphys.2018.02.010.

⁶ Esparza AO, Tomás MÁC, Pina-Roche F. Experiences of women and men living with urinary incontinence: A phenomenological study. // Appl Nurs Res. 2018 Apr;40:68-75. doi: 10.1016/j.apnr.2017.12.007.

⁷ Truszczyńska-Baszak A, Wysocka E, Starzec M, Drzał-Grabiec J, Tarnowski A. Urinary incontinence due to lumbar spinal stenosis causing disability and lowering quality of life. // J Back Musculoskelet Rehabil. 2018 Mar 16. doi: 10.3233/BMR-170976.

⁸ Elmelund M, Biering-Sørensen F, Due U, Klarskov N. The effect of pelvic floor muscle training and intravaginal electrical stimulation on urinary incontinence in women with incomplete spinal cord injury: an investigator-blinded parallel randomized clinical trial. // Int Urogynecol J. 2018 Mar 24. doi: 10.1007/s00192-018-3630-6.

⁹ Dogan O, Basbug A, Kaya AE, Pulatoglu C, Yassa M. A randomized prospective comparison of the needleless mini-sling «hammock» and «U-shape» configurations for management of stress urinary incontinence: 18 month follow-up results. / Arch Gynecol Obstet. 2018 Mar 19. doi: 10.1007/s00404-018-4755-z.

янги иқтисодий самарали, рақобатбардош усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар устувор бўлиб қолмоқда.

Аёлларда сийдик тута олмаслик тўғрисидаги замонавий тасаввурларга бағишланган адабиётлардаги маълумотларнинг ўтказилган таҳлили бу патологиянинг тарқалиши ва ривожланишининг хавф омиллари, аниқ мақсадли диагностика усулларини ишлаб чиқиш зарурлиги, даволашнинг баҳслилиги ва мураккаблиги ва, шундан келиб чиққан ҳолда, даволашнинг янада самарали ва ҳаммабоп усулларини ишлаб чиқиш долзарблиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «Хусусий, умумий хирургия ва шошилич тиббий ёрдамнинг янги технологиялари» (2006-2008 йй.) мавзусидаги 02090009-сон илмий-тадқиқот иши режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сийдик тута олмасликдан азият чекаётган аёлларда диагностикани оптималлаштириш, консерватив ва хирургик даволашни такомиллаштириш йўли билан кўрсатилаётган урологик ёрдам сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сийдик тута олмасликни аниқлаш учун ICIQ-UI SF сўровномасининг ўзбек тилидаги мослаштирилган шаклини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Ренспубликасида 18 ёш ва ундан катта аёлларда сийдик тута олмасликнинг тарқалиш ва структурасини ўрганиш ва бу патология ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш;

шаҳар ва қишлоқ ҳудудларда яшаётган аёлларда сийдик тута олмасликнинг клиник кечиши, ижтимоий-маиший ҳолати, акушер-гинекологик ва тиббий анамнез хусусиятларини ўрганиш;

сийдик тута олмаслик ва уни турларининг аёллар ҳаёт сифатига таъсирини ўрганиш;

аёлларда сийдик тута олмасликнинг шошилич турини медикаментоз даволашнинг турли режимларининг самарадорлигини баҳолаш;

аёлларда сийдик тута олмасликнинг аралаш турини медикаментоз даволашнинг турли режимларининг самарадорлигини ўрганиш;

аёлларда стресс туфайли сийдик тута олмасликда қовузлоқ ёрдамида амалиётнинг янги ҳаммабоп ва мақбул усулини ишлаб чиқиш;

оператив амалиётнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижаларини таҳлил қилиш ва уретропексиянинг турли усулларини қиёсий тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 11103 нафар аёл олинди, улар тадқиқот босқичига боғлиқ равишда қуйидаги гуруҳларга тақсимланган: сийдик тута олмасликни аниқлаш мақсадида ICIQ-UI SF сўровномасининг мослаштирилган турини ишлаб чиқиш – 153 та респондент; аёллар орасида сийдик тута олмасликнинг тарқалиши ва ривожланишнинг хавф омилларини ўрганиш – 10776 та респондент; медикаментоз даво турини

оптималлаштириш – 80 та бемор; оператив даво усулини оптималлаштириш – 104 та бемор.

Тадқиқотнинг предмети аёлларда сийдик тута олмаслик диагностикасида сўровномаларнинг самарадорлигини баҳолаш, аёлларда сийдик тута олмасликнинг тарқалишини ўрганиш, аёлларда бу патологияни комбинацияланган медикаментоз ва оператив даволаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланди: умумий клиник, лаборатор, ультратовуш ва уродинамик ҳамда махсус ICIQ – UI SF сўровномаси ва статистик таҳлил.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аллоплантни қўллаган ҳолда трансобтуратор уретропексияни ўзига жамлаган хирургик усул ишлаб чиқилди;

сийдик тута олмасликни аниқлаш учун ўзбек тилидаги ICIQ-UI SF сўровномасининг мослаштирилган шакли ишлаб чиқилган ва соғлом инсонлар орасида бу патологияни дифференциаллашда унинг самарадорлиги аниқланган;

илк бор эпидемиологик тадқиқот ўтказилган (10766 нафар респондент) ва Ўзбекистонда 18 ёш ва ундан катта аёлларда сийдик тута олмасликнинг тарқалиши ва структураси аниқланган;

Ўзбекистонда аёлларда сийдик тута олмаслик ривожланишининг интеграл хавфини аниқловчи хавф омиллари аниқланган ва уларнинг миқдорий қиёсий тавсифи берилган;

сийдик тута олмасликнинг турлари ичида аралаш тури ҳаёт сифатига энг катта салбий таъсир этиши, сийдик йўқотиш ҳажмига қараганда унинг частотаси бу кўрсаткичга каттароқ таъсир этиши аниқланган;

сийдик тута олмасликнинг шошилиш ва аралаш турларида аёллардаги медикаментоз даво турли режимларининг клиник самарадорлиги аниқланган ва М-холинолитиклар ва альфа-1 адреноблокаторлар билан комбинацияли даво клиник хотиржамлик даврини сезиларли узайтириш имконини бериши исботланган;

трансобтуратор уретропексия вақтида слинг сифатида таклиф этилган пай аллоплантини қўллашнинг клиник самарадорлиги қимматбаҳо полипропилен тентани қўллаб бажарилган амалиёт билан бир хиллиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ёки ихтисослаштирилган урологик амалиётда сийдик тута олмаслик билан беморларни скрининг текширишга мўлжалланган ICIQ – UI SF сўровномасининг мослаштирилган ўзбекча шакли ишлаб чиқилган;

соғлиқни сақлаш амалиётининг бирламчи звеноси даражасида сийдик тута олмасликни аниқлаш бу касаллик хавф омилларини бартараф қилиш ёки таъсирини сусайтириш йўли билан профилактикани кучайтириш имконини бериши исботланган;

сийдик тута олмасликнинг шошилинич ва аралаш тури билан аёлларни бирламчи тиббий звено даражасида М-холинолитикларни яхши қабул қилса, улар билан монотерапия ўтказиш тавсия этилиши асослаб борилган;

сийдик тута олмасликнинг шошилинич ва аралаш тури билан аёлларда М-холинолитикларни тўхтатишни талаб қилмайдиган ножўя таъсирлар намоян бўлганида клиник самарани потенциаллаш ва дори воситалар қабул қилиш вақтини камайтириш мақсадида альфа1-адреноблокаторларни бирга қўллаш тавсия этилиши аниқланган;

зўриқишда сийдик тута олмаслик билан аёлларни хирургик даволашнинг ҳаммабоп ва самарали усули сифатида тавсия этилиши мумкин бўлган аллоплант ёрдамида слингли уретропексия усули таклиф қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари беморларнинг ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларини, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини қўллаш, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларидан тўғри фойдаланиш билан асосланган. Статистик таҳлил ёрдамида натижаларнинг ишончилиги тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар назарий аҳамиятга эга ва Ўзбекистонда аёлларда сийдик тута олмасликнинг тарқалиши ва ҳосил бўлиш ва ривожланиши сабабларининг ҳудудий хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшишидан иборат, М-холинолитикларни қўтара олишига боғлиқ равишда беморларни олиб бориш принциплари таклиф этилган, слинг сифатида пайли аллоплантни қўллаган ҳолда таклиф этилган трансобтуратор уретропексия амалиётининг юқори самарадорлиги исботланган. Ишнинг айрим натижалари сийдик тута олмаслик билан беморлар диагностикаси ва даволаш бўйича магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, аёлларда пешоб тута олмасликнинг тарқалиши ва структураси борасидаги олинган маълумотлар бу патология ривожланишининг хавф омилларини белгилаш, унинг ривожланишининг олдини олиш учун чора-тадбирларни оптималлаштириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда даволашга харажатларни қисқартириш имконини берган. ICIQ-UI SF сўровномаси мослаштирилган шаклининг диагностик самарадорлиги уни клиник, шу жумладан, умумий шифокор амалиётида ҳам сийдик тута олмасликни аниқлаш мақсадида қўллаш имконини беради. Сийдик тута олмасликнинг шошилинич ва аралаш тури билан аёлларни олиб боришнинг яхшиланган тактикаси М-холинолитикларни турлича кўтарадиган беморларга дифференциал ёндашиш имконини беради. Аёлларда зўриқишдаги сийдик тута олмасликни слинг сифатида пайли аллоплант қўллаган ҳолда хирургик даволашнинг ишлаб чиқилган янги усули амалиётга харажатларни кескин қисқартиради ва ушбу даво усулини кенг доирадаги беморлар учун бажариш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёлларда сийдик тута олмаслик диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган «Аёлларда сийдик тута олмасликни хирургик даволаш усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04350-сон патент, 2011 йил). Таклиф этилган усулни қўллаш хорижий тенгдошларга нисбатан бир ҳил самара олган ҳолда даволаш харажатларини 4 мартагача камайтириш имконини берган;

«Аёлларда сийдик тута олмаслик диагностикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 8н-д/70-сон маълумотномаси). Тақдим этилган тавсияномада аёлларда сийдик тута олмасликнинг диагностикаси ва бундай беморларни аниқлашда ўзбек тилидаги ICIQ-UI-SF сўровномаси мослаштирилган шаклининг диагностика самарадорлиги таърифланган. Таклиф этилган тавсифлар сийдик тута олмасликнинг эрта диагностикаси сифатини 56% даен 71,5% гача яхшилаш имконини берган;

аёлларда сийдик тута олмаслик диагностикаси ва даволашга бағишланган тадқиқотнинг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, хоразм ва наманган вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг Урганч филиали, шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хирургик факультети урология ва нефрология кафедраси курсантларни ўқитиш таълим жараёнига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 8н-д/70-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Сийдик тута олмаслик билан беморлар диагностикаси ва даволашга таклиф этилган комплекс ёндашувнинг қўлланиши яқин ва узоқ муддатдаги натижаларни яхшилаш, кўрсатилаётган ёрдам сифати даражасининг ижобий кўрсаткичини 50,9% дан 73,9% гача ошириш, рецидивлар сонини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 11 та мақола, улардан 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аёлларда сийдик тутолмасликнинг тарқалганлиги, ҳавфи омиллари, ташхиси ва даволаниши ҳақида замонавий тасаввурлар**», деб номланган биринчи бобида адабиётлардан маълумотлар келтирилади. Унда турли тиббий адабиётлардаги аёлларда сийдикни тутолмасликнинг тарқалганлиги, эпидемиологияси, ҳавф омиллари, ташхис қўйиш ва даволаш методлари ҳақида замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. Аёлларда сийдик тутолмасликка нисбатан турли ёндашишлар ва ташхис қўйиш муаммолари, дори-дармонлар орқали даволаш ва хирургик коррекция ҳақида фикрлар ёритилган ва у бўйича муаллифлар фикрларидаги тафовутлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Материалларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот методлари**», деб номланган иккинчи бобида текшириш объектлари, материаллари ва методлари, беморларни дори-дармонлар ва жарроҳлик даволаш, даволаш муддати ва натижалари баҳоланиши ҳажми таърифланган.

Ўтказилган тадқиқот 4 та босқичдан иборат бўлган.

Биринчи босқич – ICIQ-UI SF сўровномасининг ўзбек тилига мослаштирилган шаклини ишлаб чиқиш. Тадқиқот гуруҳига киритиш ва чиқариш мезонларини ҳисобга олган ҳолда сийдикни тутолмаслик бўйича Тошкент шаҳри 1-сонли шаҳар клиник касалхонаси даволаш-ташхис бўлимига мурожаат қилган 153 нафар респондент (18 дан 66 ёшгача, ўртача $42,2 \pm 11,3$ ёш, 12 нафар эркак, 131 нафар аёл) киритилган эди. Шулардан 10 нафари пилот тадқиқот, 143 нафари эса сўровноманинг ташхис самарадорлигини ўрганишнинг асосий тадқиқотига жалб қилинган. Улардан 105 нафари билан биринчи тестдан кейин 1 ҳафта ўтиб, такрорий сўров ўтказилган эди (тест-ретест).

ICIQ-UI SF сўровномаси сийдикни тутолмасликни баҳолаш воситаси сифатида СТ симптомларини объективизациялаш ҳамда СТнинг ҳаёт сифатига бўлган таъсирини баҳолаш учун қўлланилди.

Тадқиқот сўровномаларни таржима ва валидация қилиш бўйича МАРІ Тадқиқотлар Институти (Лион, Франция) тавсиялари асосида ҳамда ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий Кенгаши қошидаги этика бўйича Қўмита

ва ЎЗР Соғлиқни Сақлаш вазирлиги қошидаги Фармокология қўмитаси президиуми рухсатига кўра ўтказилган.

ICIQ-UI SF сўровномасини таржима қилиш ва лингвистик валидацияси мутахассисларни (ўзбек тилида эркин сўзлашадиган тилшунос ва шифокор-урологлар) жалб қилиш ва икки марта қайта таржима қилиш махсус техникасидан фойдаланиш орқали ўтказилган. Натижада, пилот тадқиқот ва маданиятимизга мослаштирилишидан кейин ICIQ-UI SF сўровномасининг ўзбек тилидаги шаклида инглиз тилидаги прототипдан маъноли фарқлар йўқлиги аниқланди.

Ўзбек тилини биладиган текширилувчиларга ICIQ-UI SF сўровномасининг мослаштирилган ўзбекча вариантыга жавоб бериш таклиф қилинди. Сўровноманинг ушбу варианты ёрдамида олинган натижаларнинг ишонарли эканлигини аниқлаш мақсадида 105 нафар респодент биринчи текширишдан кейин 7 кун ўтиб сўровномани такроран тўлдиришди.

Сўровнома ишонарлилиги қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўрганилди:

- ҳар бир банд бўйича биринчи ва такроран тестда олинган баллар ўртасидаги корреляция коэффиценти;

- Студент t-тоифаси ёрдамида аниқланадиган биринчи ва такроран тест олишда сўровноманинг якуний кўрсаткичлари бўйича олинган баллар ўртасидаги фарқлар;

- Сўровноманинг барча бандлари ҳамда якуний кўрсаткичи бўйича биринчи ва иккинчи тест олиш босқичида олинган ўртача қийматлар ва қийматларнинг ўртақвадрат оғишлари.

Сўровноманинг ички мувофиқлигини аниқлаш учун уларнинг ташхисга лаёқатлилигини статистик текширишдан иборат сўровнома бандлари таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўтказилган эди:

- Ички мувофиқлик ўлчови ҳисобланган альфа Кронбах коэффиценти;

- Шкала бўйича умумлаштирилган қийматига эга ҳар бир банд корреляцияси коэффиценти.

ICIQ-UI SF сўровномасининг мослаштирилган ўзбекча вариантыни тўлдиришда олинган натижаларнинг сийдик тутолмасликнинг ҳар хил турлари объектив белгиларига мувофиқлиги Пирсон хи квадратини тақсимлаш таҳлили орқали ўрганилган. Қиёслаштириш t (Student) мезони ёрдамида бажарилди. Фарқларни $P < 0,05$ да муҳим деб ҳисобланди.

ICIQ-UI SF сўровномаси диагностик самарадорлиги унинг сезгирлигини, хусусийлигини, ижобий ва салбий башорат қийматини, ҳамда объектив методларига нисбатан сийдик тутолмаслик ташхисини қуйишда ушбу методнинг аниқлигини баҳолаш орқали аниқланди (1-жадвал, 2-6 формулалар). Эталон методлар сифатида олдиндан аниқланган сийдик тутаолмаслик симптомларнинг мавжудлиги ҳамда сийиш кундалиги ва йўтал тести таҳлили натижалари комбинациясидан фойдаланилди.

Иккинчи босқич – аёлларда сийдикни тутолмаслик тарқалиши ва ривожланиши ҳавф омиллари 10766 нафар респодентни жалб қилиш орқали ўрганилди (18 дан 97 ёшгача, ўртача $38,6 \pm 14,4$ ёш).

Ташхис тести натижаларининг баҳоланиши

Скрининг тести натижаси	«Эталон усул» натижаси	
	Касаллик мавжуд $a + c$	Касаллик аниқланмаган $b + d$
Ижобий $a + b$	Ҳақиқий ижобий a	Янглиш салбий b
Салбий $c + d$	Янглиш салбий c	Ҳақиқий ижобий d

$$\text{Сезгирлик} = \frac{a}{a + c} \quad (1)$$

$$\text{Хусусийлик} = \frac{d}{b + d} \quad (2)$$

$$\text{Ижибий башорат киймати} = \frac{a}{a + b} \quad (3)$$

$$\text{Салбий башорат киймати} = \frac{d}{c + d} \quad (4)$$

$$\text{Аниқлик индекси} = \frac{a + d}{a + b + c + d} \quad (5)$$


Эпидемиологик тадқиқот уяли-типологик усули орқали ўтказилган. Маълумотлар манбаи вазифасини турли хил тиббий ҳисобга олиш ҳужжатлари ўтади. Маълумот олиш респондентларни анкеталаштириш орқали бир вақтли усул билан ўтказилди. Бизнинг эпидемиологик тадқиқотнинг объекти бўлиб сийдик тутаолмаслиги бор (ходиса) ва сийдик тутаолмаслиги йук (назорат) аёллардан иборат гуруҳлар бўлди. Кузатув бирлигини – тадқиқотлар учун танлаб олинган базалар ҳудудида яшайдиган, сийдик тутаолмаслик мавжудлиги тўғрисида сўровдан ўтказилган 18 ва ундан катта ёшдаги аёллар ташкил қилди.

Танлов умумий Республика буйича, ҳамда кишлоқ ва шаҳар бўйича 18 ва ундан катта ёшдаги аёлларда сийдик тутаолмасликнинг тарқалиши ва ҳавф омиллари бўйича маълумотлар билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Танламанинг ишончлиги ва репрезентативлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон аҳолиси саломатлигини ўрганиш 2002» дастурини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Макроиктисод ва статистика вазирлиги қошидаги давлат статистика департаменти ишланмасига таяндик (Ўзбекистон аҳолиси саломатлигини ўрганиш, 2002).

Юқорида кўрсатилган дастурни бажаришда Ўзбекистон худуди 5та танланма худудга бўлинган эди, статистик репрезентатив танланма эса, ҳар бир худуддан камида 800 нафар аёл-респондент билан таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган эди (Ўзбекистон аҳолиси саломатлигини ўрганиш, 2002).

Биз ҳам мазкур ишланмага роя қилган ҳолда, ҳар бир танланма худудидан тадқиқот учун камида биттадан база танлаб олдик. Ҳаммаси бўлиб 7та тадқиқот база танлаб олинган: (3 та шаҳарда ва 4 та қишлоқда). Шаҳар аҳолисини текшириш базалари этиб Тошкент шаҳри Хамза тумани марказий ва Шайхонтоҳур тумани 46-сонли оилавий поликлиникаларининг биттадан худудий участкаси, Самарқанд шаҳри 8-сонли оилавий поликлиниканинг «Ўрта Хожи Соат» худуди танланган. Қишлоқ аҳолисини текширувлари қуйидаги КВП хизмат кўрсатадиган худудларда ўтказилди: Хоразм вилояти «Урганч», Наманган вилояти «Карнон», Навоий вилояти «Гозгон-1» ва Қашқадарё вилояти «Каттабоғ».

Танланган участкалар худудидан 18 ва ундан катта ёшдаги аёллар ёппасига сўровдан ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб репрезентатив танланмадан 11033 нафар респондент сўровдан ўтказилди. Қайта олинган сўров қарталардан 267 (2.4%) таси ҳақиқий эмас деб тан олинди ва кейинги таҳлилдан чиқарилиб ташланди. Шундай қилиб сийдик тутолмаслик клиник эпидемиологиясининг таҳлили 10766 нафар сўралган аёл маълумотлари асосида қилинди, улардан 3996 нафари шаҳарлик, 6770 нафари – қишлоқдан.



1-расм. «Ҳолат-назорат» тадқиқот дизайни

Биринчи бўлиб СТ тарқалиши ўрганилди. Сўнг ўрганилаётган факторларнинг СТ ривожланишига таъсирни аниқлаш учун «ҳолат-назорат» тадқиқот дизайнига кўра тадқиқотга киритилган аёллардан кўрсаткичлар ва белгилар бўйича икки ўхшаш гуруҳ ажратилган эди: биринчи гуруҳ – сўровдан олдинги 4 ҳафта мобайнида ҳеч бўлмаганда бир марта сийдик йўқотиш ҳолати бўлганлиги ҳақида жавоб берган аёллар (ҳолат) ва иккинчи гуруҳ – сийдик тутолмаслиги йўқ бўлган аёллар (назорат) (1-расм).

Сўров қартаси уч қисмдан иборат бўлган. Биринчи қисм аёлларнинг социал-турмуш мақомини, тиббий ва акушерлик анамнези баҳолаш учун ишлаб чиқилган: ёши, оилавий ҳолати, маълумоти, бўйи ва вазни, қорин бўшлиғи ва кичик тос органларида ўтқазилган хирургик амалиётлар, сурункали касалликлар, дори-дармонларни узоқ қабул қилиш, сийдик йўли рекуррент инфекциянинг мавжудлиги, чекиш, алкогольни ва кофени суистеъмол қилиш каби зарарли одатлар, анамнезида ва яқин қариндошлар орасида энурез бўлганлиги, менопауза ва эстрогенлар ўрнини босувчи терапия қабул қилганлиги. Иккинчи қисм сийдик тутолмасликнинг частотаси, тури, оғирлиги ва ҳаёт сифатига таъсирини аниқлашга қаратилган эди. Учинчи қисм сийдик тутолмаслик аниқланган аёлларда ўтқазилган сийдик тахлили ва қовуқ ультратовуш текшириш натижаларини қайд этиш учун хизмат қилган.

Учинчи босқич – сийдик тутолмасликда медикаментоз терапиясини оптималлаштириш. Бунга 80 нафар бемор жалб қилинган (18 дан 97 ёшгача, ўртача $38,6 \pm 14,4$ ёш). Тадқиқот Тошкент шаҳри 1-сонли шаҳар клиник касалхонаси урология поликлиникаси бўлимида ўтқазилган. Медикаментоз терапиясининг самарадорлигининг тахлили учун тадқиқотга пациентларни киритиш мезонлари: сийдик тутолмасликнинг шошилиш ёки аралаш турлари мавжудлиги, тадқиқот давомида сийиш актига таъсир этувчи моддаларни қабул қилмаслик, даволаш режимига риоя қилишлик, тадқиқот билан боғлиқ барча текширувларни бажариш.

Тадқиқотга киритилган беморлар 4 та гуруҳга бўлинган эди. Биринчи гуруҳга шошилиш сийдик тутолмаслик билан 40 нафар бемор киритилган. Улардан 20 нафар беморга кунига 3 марта 5 мг дан оксипутин гидрохлорид (дриптан) билан монотерапия, қолган 20 нафар бемор аёлларга кунига 3 марта 5 мг дан оксипутин гидрохлорид (дриптан) билан биргаликда кунига бир марта альфа-1-адреноблокатор (тамсулозин) 0,4 мг дан буюрилган эди. Даволаниш давомийлиги 12 ҳафтани ташкил қилган.

Иккинчи гуруҳни аралаш сийдик тутолмасликка эга 40 нафар бемор аёллар ташкил қилган. Улар шунингдек 20 тадан икки кичик гуруҳга бўлинди. Биринчи кичик гуруҳ беморларига кунига уч марта 5 мг дан оксипутинин гидрохлорид (дриптан), иккинчи кичик гуруҳ беморларига эса кунига 3 марта 5 мг дан оксипутин гидрохлорид (дриптан) билан биргаликда кунига бир марта альфа-1-адреноблокатор (тамсулозин) 0,4 мг дан буюрилган эди. Даволаш давомийлиги 12 ҳафтани ташкил қилди.

Тадқиқотга киритилишдан олдин беморлар ICIQ–UI SF сўровномасининг мослаштирилган ўзбек вариантини тўлдиришди, 3 кун давомида сийиш кундалиги олиб боришди. Уларга УТТ ёрдамида қолдиқ сийдик ҳажми ўлчанган, қон ва сийдик лаборатория тахлиллари ўтқазилган. Медикаментоз даволаш самарадорлиги 4, 8, 12 ҳафталарда ва даволаниш тугагандан кейин 12 ҳафта ўтиб, ICIQ–UI SF сўровномасининг мослаштирилган ўзбек вариантга жавоблар натижалари, сийиш кундаликлари маълумотлари, ҳолати яхшиланганлиги тўғрисида беморларнинг субъектив баҳоси асосида аниқланган. Шунингдек терапиядан

олдин, 12 ҳафталик терапия охирида ва терапия тугагач, 12 ҳафтадан кейин уродинамик тадқиқот олиб борилган. Медикаментоз терапияни кўтара олиш эса медикаментларнинг ножўя таъсири, лаборатория таҳлилларида ўзгаришлар, қолдик сийдик ҳажми ва сийдик оқими тезлиги бўйича баҳоланди.

Тўртинчи босқич – зўриқишда сийдик тутолмаслик оператив даволаш усулини оптималлаштириш. Бунга 104 нафар бемор жалб қилинган (18 дан 73 ёшгача, ўртача $50,1 \pm 7,7$ ёш); тадқиқот Тошкент шаҳри 1-шаҳар клиник касалхонаси урология бўлимида ўтказилди.

Сийдик тутолмасликни даволаш учун бажарилган слингли операциялар тури бўйича барча ўрганилган аёллар қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

биринчи – синтетик полипропилен тасмадан фойдаланиб қилинган TVT-obturator (Transobturator vaginal tape) операция – 88 нафар аёл,

иккинчи – аллоген пайли трансплантат («Аллоплант») ёрдамида слингли операция – 16 нафар аёл.

«Аллоплант» узун пайли қисмга эга бўлган *m.plantar* ва *m.kvadratus* нинг пайли қисмидан тайёрланган, узунлиги 100 мм ва эни 10 мм бўлган пайли трансплантатидир. Бу яхши каркас хусусиятга эга ва илмоғли фиксацияни бажариш имкониятини таъминлайди.

Оператив амалиёт қуйидаги мезонларга кўра баҳоланди: операция давомийлиги, йўқотилган қон миқдори, операциядан кейинги тўшакда ётиш кунлари, даволаш самарадорлигини баҳолаш ва операциядан кейинги асоратлар. Хирургик амалиёт самарадорлиги тўғрисида беморларнинг ҳолатини яхшиланганлиги ҳақидаги субъектив баҳоси, ICIQ-UI SF сўровномаси мослаштирилган ўзбек шакли ёрдамида ўтказилган сўров натижалари, йўтал тести натижалари асосида хулоса чиқарилди. Операциянинг ижобий баҳоланиш мезонлари деб сийдик тутолмаслик рецидиви белгиларининг йўқлиги ва адекват сийдик ажратишнинг тикланиши ҳисобланди.

Беморларни назорат кўригидан ўтказиш ва сўров қилиш 1 ойдан кейин (биринчи гуруҳнинг барча 88 нафар пациенти ва иккинчи гуруҳнинг 16 нафар пациенти), 1 йилдан кейин (биринчи гуруҳнинг 76 нафар пациенти ва иккинчи гуруҳнинг 16 нафар пациенти) ва 3 йилдан кейин (биринчи гуруҳнинг 57 нафар пациенти ва иккинчи гуруҳнинг 14 нафар пациенти) амалга оширилди.

Олинган маълумотларни ўрта арифметик (M), ўрта квадратли четланиш (σ), нисбий қийматлар (частота, %) IBM Pentium IV компьютерида статистик таҳлил амалий дастурлари пакети қўлланилиб ҳисобланди. Ўртача кўрсаткичларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезони (t) (нормал тақсимланганда) ва Уилкокк тести (нонормал тақсимланганда) ёрдамида аниқланди. Сийдик тутолмасликка эга ва сийдик тутаолмаслиги булмаган аёллар гуруҳларида мутлақ ва нисбий курсаткичлар, улушлар фарқланишлари ҳақидаги статистик гипотезаларни текшириш учун хи-квадрат (χ^2) мезонидан фойдаланилди. Ишда ўтказиладиган ишонарли интерваллар (ИИ) ишонарли эҳтимоллик $p=95\%$ учун қурилди. СТ

ривожланишига алохида омиллар ёки уларнинг гуруҳлари даражалари ва таъсир қилишлари кучини аниқлаш учун логистик регрессия методлари ишлатилди. Оддий моделда инконтиненция билан $P < 0,01$ даражада боғлиқ бўлган вариантлар мультивариацион моделга киритилди. Мультивариацион логистик регрессия таҳлили эҳтимол турли вариантларни аниқлаш ва ҳавф омиллари ва СТ ўртасида мустақил боғлиқликни аниқлаш учун қўлланилди. Таъсир қилишнинг нисбий ҳавфи имкониятлар нибати (ИН) оркали баҳоланди. Натижалар 95% лик ишонарли интервал билан ИН сифатида берилган. Статистик таҳлилнинг барча жараёнларида аҳамиятлиликка эришилган даража ҳисобга олинган (p), бунда мазкур тадқиқотда аҳамиятлиликнинг танқидий даражаси 0,05 га тенг деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «**ICIQ-UI SF сўровноманинг мослаштирилган ўзбекча вариантыни сийдик тутолмаслик диагностикасида диагностика самарадорлигини аниқлаш**», деб номланган учинчи бобида ICIQ-UI SF сўровноманинг мослаштирилган ўзбекча вариантынинг ишончилиги, мустаҳкамлиги ва диагностика самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

ICIQ-UI SF сўровноманинг мослаштирилган ўзбекча варианты ишончилигининг баҳоланиши бошланғич балл ва такрорий тест олишда олинган балл ўртасида, барча бандлар ҳамда сўровноманинг якуний кўрсаткичлари бўйича статистик жихатдан мазмунли ижобий корреляция мавжудлигини кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал

Биринчи ва такрорий тест олишда олинган баллар ўртасида корреляция (тест-ретест)

Сўровнома бандлари	r	P
1. Сизда ихтиёрсиз сийдик чиқиб кетиши қанчалик кўп кузатилади?	0,99	0,0000
2. Фикрингизча, сизда одатда ихтиёрсиз чиқиб кетадиган сийдик микдори қанча?	0,96	0,0000
3. Умуман олганда, ихтиёрсиз сийдик чиқиб кетиши сизнинг кундалик ҳаётингизга қанчалик ҳалақит беради? Марҳамат, ҳалақит бериш даражасини 10 балли тизим бўйича баҳолаб, ўзингизга тегишли булган сонни белгиланг.	0,95	0,0000
4 Ички синф корреляцияси	0,98	0,0000

Сўровноманинг ички мувофиқлигини баҳолаш, биринчи ва қайта тест натижалари альфа-Кронбах коэффисиентининг юқори кўрсаткичга эгаллигини кўрсатди, натижалар мос равишда 0,88 ва 0,87 га тенг. Олинган маълумотлар шу ҳақда далолат берадики, шкала бандлари етарлича бир хил. Мазкур тасдиқ сўровноманинг ҳар бир пункти ва охириги натижалар орасидаги корреляцион таҳлил натижалари билан тасдиқланган. (3-жадвал).

ICIQ-UI SF сўровномасининг мослаштирилган ўзбекча вариантыни тўлдиришда олинган натижалар сийдик тутолмасликнинг хар хил турларини объектив белгиларига мувофиқлиги Пирсон хи квадрати тақсимлаш таҳлили орқали ўрганилган. Текширилаётган сийдик тутолмасликнинг ҳамма учта турлари учун Пирсон χ^2 коэффициентлари юқори ва аҳамиятли ишонарлилик даражаси бўлиб чиқди (шошилиш СТ - 68,0156, $p=0,0005$; зўриқишда СТ- 70,8933, $p=0,0005$; аралаш СТ - 65,4, $p=0,0005$), бу сўровнома ёрдамида олинган натижалар ва объектив белгиларнинг мувофиқлиги ҳақида далолат беради.

3-жадвал

Биринчи ва такрорий тест олишда ICIQ-UI SF сўровнома бандлари иски мувофиқлиги бўйича ишончлилик коэффициентлари

Сўровнома бандлари	r тест	P	r ретест	P
1. Сизда ихтиёрсиз сийдик чиқиб кетиши қанчалик кўп кузатилади?	0,90	0,0000	0,91	0,0000
2. Фикрингизча, сизда одатда ихтиёрсиз чиқиб кетадиган сийдик микдори қанчалик?	0,89	0,0000	0,89	0,0000
3. Умуман олганда, ихтиёрсиз сийдик чиқиб кетиши сизнинг кундалик ҳаётингизга қанчалик ҳалақит беради? Марҳамат, ҳалақит бериш даражасини 10 балли тизим бўйича баҳолаб, ўзингизга тегишли булган сонни белгиланг.	0,97	0,0000	0,97	0,0000
Альфа Кронбах коэффициенти	0,88		0,87	

Сўровнома сезгирлиги ва хусусийлигини баҳолаш бўйича натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ICIQ-UI SF сўровноманинг мослаштирилган ўзбекча варианты шошилиш СТни 87% лик сезгирлик ва 91% лик хусусийлик билан, зўриқишдаги СТни 85% лик сезгирлик ва 92% лик хусусийлик билан ва аралаш СТни 81% лик сезгирлик ва 93% лик хусусийлик билан таҳлил қўйишга имкон беради. Бу маълумотлар ICIQ-UI SF сўровноманинг мослаштирилган ўзбекча варианты сийдик тутолмасликнинг хар хил турларига эга беморларни аниқлаш учун қулай, ишончли ва валидли восита деб ҳисоблашга асос булади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда аёлларда сийдик тутолмаслик клиник эпидемиологияси ва ривожланиши ҳавфи омиллари**», деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистонда аёлларда сийдик тутолмаслик тарқалиши ва ривожланиши ҳавфи омилларини ўрганиш натижалари ва сийдик тутолмасликнинг ҳаёт сифатига таъсири берилган.

Ўзбекистон аёлларидан репрезентатив танлама сўрови шуни кўрсатдики, 18 ва ундан катта ёшдаги аёлларда СТ тарқалганлиги 25,6% ни ташкил

қилди. Касаллик структурасида зўриқишдаги СТ устунлик қилди -41,7%. 35,6% аёлларда аралаш, 22,7% да эса шошилиш СТ турлари аниқланди. СТ тарқалиши ёш ўтган сари ўсган: 18-29 ёш тоифа респондентларда 8,4 % дан, 70 ва каттароқ ёшдаги аёлларда 59% гача. Ёшроқ аёлларда зўриқишдаги сийдик тутолмаслик тури кўпроқ учраган. Бироқ, СТ нинг аралаш тури улуши ёш ўтган сари тохтовсиз ўсди, ва 50 ва ундан катта ёшдаги аёлларда айнан шу СТ нинг тури кўпроқ фоизни ташкил қилди.

СТ нафақат аёллар соғлигига, балки ҳаёти сифатига салбий таъсир қилади. СТ нинг аралаш тури шошилиш ва зўриқишдаги СТ турларга қараганда беморларнинг кундалик ва сексуал ҳаётига катта таъсир кўрсатганлиги аниқланди. СТ аралаш турига эга аёллар орасида 24,7% да касаллик уларнинг кундалик ҳаётига ва 11,5% да сексуал ҳаётига жиддий таъсир кўрсатгани аниқланди. Бу кўрсаткичлар шошилиш (8,5% ва 0,5%) ва зўриқишдаги (5,0% ва 4,0%) турларига қараганда статистик аҳамиятга эга даражада кўпроқдир.

Спирмен корреляцияси коэффициенти (r_s) касалликни кундалик ҳаётга таъсири баҳоланиши ва аралаш СТнинг учраши частотаси орасида 0,86 ($p=0,0000$), шошилиш СТ – 0,76 ($p=0,0000$), зўриқишдаги СТ эса – 0,45 ($p=0,0000$) га тенг булди. Касалликни сексуал ҳаётга таъсири баҳоланиши ва СТ аралаш турининг учраши частотаси ўртасидаги боғлиқлик Спирмен корреляцияси коэффициенти бўйича тўғри бўлиб, ўртача кучга эга - $r_s = 0,47$ ($p=0,0000$). СТ нинг шошилиш ва зўриқишдаги турларида бу ўзаробоғлиқ тўғри, лекин сустроқ кучга $r_s = 0,08$ ($p=0,048$) ва $r_s = 0,18$ ($p=0,0000$) га эга бўлди. Кўриниб турибдики, СТ нинг жинсий ҳаётга таъсири кундалик ҳаётга салбий таъсирдан камроқ аҳамиятли экан.

